

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-102  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати  
менежменти” (тармоқлар бўйича)**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиши”  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:  
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова п.ф.н., доц.  
М.Дехканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:  
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”  
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,  
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

Маҳсус фанлар бўйича: т.ф.д.,проф. П.М.Матякубова,  
т.ф.н.,доцент А.Турғунбоев, т.ф.н.,доц Ш.Тўраев, (PhD) доц.  
Ғ.Ғ.Бобоев, катта ўқитувчи А.К.Миралиева.

**Тақризчилар:** т.ф.д., П.Р. Исматуллаев- ТДТУ “Метрология, стандартлаштириш  
ва маҳсулот сифати менежменти” кафедраси профессори

**Хорижий эксперт:** доцент Б.Волдемарс ЛТФТУ Халқаро бўлим  
бошлиғи” (Латвия)

*Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг қарори билан  
тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома)*

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 март “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ги ПҚ-3643-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагнинг касбий профессионаллигини ошириш.

### **II. Педагнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлар**

- 3.1. Маҳсулот ва хизматларда халқаро талаблар асосида стандартларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва меъёрий назорат.
- 3.2. Ишлаб чиқариш ва сифат тизимини сертификатлаштириш.
- 3.3. Замонавий ўлчаш, синаш, назорат қилиш усуслари ва воситалари таҳлили.
- 3.4. Ишлаб чиқаришда метрологик таъминот.

### **IV. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” (тармоқлар бўйича) тармоқлар бўйича таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва мутахассислик фанлардан дарс берувчи педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндашувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

- “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” (тармоқлар бўйича) йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараённига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” (тармоқлар бўйича) йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараённига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- халқаро талаблар асосида стандартларни ишлаб чиқиши қоидаларини;
- Республикада халқаро, давлатлараро, ментақавий стандартларни ва хорижий мамлакатларининг стандартларини қабул қилиш ва қўллаш тартибини;
- метролог-экспертларни мажбуриятлари, ҳукуқлари, маъсулияти ва уларга нисбатан қўйиладиган малакавий талабларни;
- техникавий ҳужжатларнинг метрологик экспертизасини ўтказиш бўйича тавсияларни;
- техникавий ҳужжатларнинг меъёрий назоратини асосий мақсадлари ва вазифаларини;
- бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг долгзарб масалаларини;
- сифат менежменти тизими тамойилларини;

- менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларида қўйилган талабларни;
- сифат менежментини сертификатлаштириш босқичларини;
- . инспекцион назоратни ўтказиш қоидаларини ва тартибини;
- ўлчаш назарияси ва асосий ўлчаш хатоликлари назариясини;
- ўлчаш хатоликлари ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва бартараф этиш йўлларини;
- замонавий ўлчаш, синаш ва назорат усуллари ва воситалари, уларни ишлаш тамойиллари, ўлчаш назариясини;
- асосий ўлчаш хатоликлари назариясини, ўлчашлардаги муаммоларни;
- интеллектуал ва виртуал ўлчаш воситалари, уларнинг ишлаш тамойилларини;
- ўлчаш ўзгарткичлари, датчиклар ва уларнинг турларини;
- метрологик таъминотнинг асосий вазифаларини, тизим муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўлларини;
- ўлчаш воситаларининг асосий метрологик тавсифларини;
- ўлчаш асбобларининг табақаланиши ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- метролог-экспертларни мажбуриятлари, ҳуқуқлари, маъсулияти ва уларга нисбатан қўйиладиган малакавий талабларга риоя қилиш;
- ҳужжатларни метрологик экспертизага тақдим қилиш тартиби ва экспертизада кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг долзарб масалаларини ўрганиш;
- менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларида қўйилган талабларни таҳлил қилиш;
- ўлчашдаги хатоликларни бартараф этиш;
- ўлчашлардаги муаммоларни ўрганиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг бошқа турларини ўрганиш;
- ҳужжатларни метрологик ва стандартлаштириш экспертизасини ўтказиш;
- ўлчаш асбобларидан фойдаланиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- корхона ва ташкилотларда техниковий ҳужжатларни метрологик экспертизаси бўйича ишларни ташкил этиш;
- техниковий ҳужжатларнинг метрологик экспертизасини ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- синаш усуллари, жиҳозлари ва уларни ишлатишни таҳлил қилиш;
- бевосита баҳолаш усулларидан фойдаланиш;

- ўлчаш натижаларини баҳолаш;
- ўлчаш асбобларидан фойдаланиш;
- метрологик таъминотнинг тизимли муаммоларини ҳал қилиш йўлларини топиш бўйича *малакаларга* эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- халқаро талаблар асосида маҳсулот ва хизматларга стандартларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва меъёрий назоратдан ўтказиш;
- корхона ва ташкилотларда техникавий хужжатларни метрологик эккспертизаси бўйича ишларни ташкил этиш;
- давлат стандартларининг лойиҳаларини метрологик экспертизадан ўтказиш;
- юқори даражада интеллектуал ўлчаш асбобларини амалиётда қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажralган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ” (ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

#### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

##### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини

таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳукуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳукуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хукуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамоиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантишнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳукуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-loyihalarни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчининг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп этиш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуслари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникиси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

## **2.2. Maxsus мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Maxsus мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР**

#### **3.1. Махсулот ва хизматларда халқаро талаблар асосида стандартларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва меъёрий назорат.**

Республикада халқаро талаблар асосида стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллаш. Халқаро талаблар асосида стандартларни ишлаб чиқиш. Республикада халқаро, давлатлараво, миңтақавий стандартларни ва хорижий мамлакатларининг стандартларини қабул қилиш ва қўллаш тартиби. Стандартларни келишиш ва қўллаш тартиби.

Корхона ва ташкилотларда техникавий ҳужжатларни метрологик экспертизаси бўйича ишларни ташкил этиш. Ҳужжатларни метрологик экспертизага тақдим қилиш тартиби ва экспертизада кўриб чиқиладиган масалалар. Метролог-экспертларни мажбуриятлари, ҳукуқлари, маъсулияти ва уларга нисбатан қўйиладиган малакавий талаблар.

Техникавий ҳужжатларнинг метрологик экспертизасини ўтказиш бўйича тавсиялар. Махсулот ишлаб чиқишга берилган техник топшириқнинг метрологик экспертизаси. Давлат стандартларининг лойиҳаларини метрологик экспертизадан ўтказиш.

Техникавий ҳужжатларнинг меъёрий назорати. Техникавий ҳужжатларнинг меъёрий назоратини асосий мақсадлари ва вазифалари. Меъёрий назоратни моҳияти ва ўтказиш кетма-кетлиги. Меъёрий назорат хизматларини давлат техник сиёсатини амалга ошириш масалаларини хал қилишдаги роли.

#### **3.2. Ишлаб чиқариш ва сифат тизимини сертификатлаштириш.**

Сифатни бошқариш ва сифат тўғрисида умумий маълумотлар ва тушунчалар. Сифатни бошқариш рақобатчиликда корхона муваффақият қозонишининг омили сифатида. Бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг долзарб масалалари.

ISO 9000 серияли стандартлари талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимлари. ISO 9000 серияли стандартларнинг қисқача тавсифи. Сифат менежменти тизими тамойиллари.

Корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Сифат менежменти тизимини жорий этиш босқичлари. Сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларига қўйилган талаблар. Сифат менежментини сертификатлаштириш босқичлари. Ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш. Сертификатлаштирилган сифат менежменти тизимининг инспекцион назорати.

### **3.3. Замонавий ўлчаш, синаш, назорат қилиш усуллари ва воситалари таҳлили.**

Метрология соҳасидаги асосий тушунчалар, атамалар, усуллар ва ўлчаш, синаш, назорат воситалари. Метрология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги. Ўлчаш объектлари ва субъектлари.

Ўлчаш назарияси, асосий ўлчаш хатоликлари назарияси. Ўлчаш хатоликлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари. Ўлчаш хатоликларни бартараф этиш йўллари.

Ўлчаш усуллари, синаш ва назорат қилиш. Ўлчашлардаги муаммолар. Замонавий ўлчаш воситалари, синаш ва назорат қилиш усуллари.

Интеллектуал ва виртуал ўлчаш воситалари, уларнинг ишлаш тамойиллари. Ўлчаш ўзгарткичлари, датчиклар ва уларнинг турлари. Синаш усуллари, жиҳозлари ва уларни ишлатишни таҳлил қилиш.

### **3.4. Ишлаб чиқаришда метрологик таъминот.**

Метрологик таъминот тушунчасининг моҳияти. Маҳсулот ва хизматларнинг сифати ва рақобатдошлигини оширишда метрологик таъминотнинг ўрни, аҳамияти ва муаммолари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат метрология хизмати. Метрологик текшируви ва назорати. Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг бошқа турлари.

Ўлчаш усуллари ва воситаларини асоси ва аҳамияти. Ўлчаш жараёни. Ўлчаш натижалари. Бевосита баҳолаш усули. Ўлчаш асбоблари.

Ўлчаш воситалари ва уларнинг турлари. Уларнинг ишлаш принциплари, структура схемалари ва хусусиятлари. Ўлчаш воситаларининг асосий метрологик тавсифлари. Ўлчаш асбобларининг табақаланиши.

## **IV. МАЛАКАВИЙ АТТЕСТАЦИЯ**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар груҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва

илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

– олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;

– мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

#### **II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар**

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

2909-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 март “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3643-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 август “Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-4419-сонли Қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 июль “Синов лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалиигини маъқуллаш тартиби тўғрисида”ги ВМ 456-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

20. Абдувалиев А.А. ва бошқалар. “Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат”. Дарслик, -Т.: 2016 й.

21. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. — Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. — 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
22. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
23. Гулобод Құдратуллоқ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. — Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказы” нашриёти, 2019. 312 б.
24. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
25. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
26. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
27. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ.– Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
28. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
29. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”. Дарслик.Т. Lesson-Press. -2015. – 423 б.
30. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. –Т.: Ўзбекистон, 2016. - 360 б.
31. Исматуллаев П.Р., Кодирова Ш.А., «Метрология асослари», Дарслик,-Т.: 2020й.
32. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. “Стандартлаштириш асослари”. Дарслик. -Т.: 2019й.
33. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет
34. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
35. Логин В.В., Чепульский Ю.П., Андреев П.А. «Метрологическое обеспечение предприятий»: учебное пособие/Под ред. Карпичева В.А.- М.:МГУПС (МИИТ),2016.-289с.

36. Лифиц, И. М. “Стандартизация, метрология и подтверждение соответствия: учебник и практикум для СПО”. И. М. Лифиц. — 12-е изд., пер. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2018. — 314 с.
37. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
38. Матякубова П.М., Кузиев Б.Н., Миралиева А.К. “Хужжатларнинг экспертизаси”. Ўқув қўлланма,-Т.:2020. -187 б.
39. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
40. Рожков, Н. Н. “Статистические методы контроля и управления качеством продукции: учеб, пособие для академического бакалавриата”. Н. Н. Рожков. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2018. — 154 с
41. Сергеев, А. Г. “Стандартизация и сертификация: учебник и практикум для СПО”. А. Г. Сергеев, В. В. Терегеря. — М.: Издательство Юрайт, 2018. -323 с
42. Сергеев, А. Г. “Сертификация: учебник и практикум для СПО”. А. Г. Сергеев, В. В. Терегеря. — М.: Издательство Юрайт, 2018. — 195 с.
43. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
44. Tukun Li. Software Measurement Standards in Surface Metrology. LAP Lambert Academic Publishing. -2012. 184 pp.
45. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
46. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
47. W. Dubitzky, M. Granzow, D/ Berrar/Fundamentals of data mining in genomics and proteomics. New York, USA, -2007, -275 pp.
48. Хакимов О.Ш., Хван В.И. “Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат”. Ўқув қўлланма. -Т.: СМСИТИ, 2015. – 267 б.

#### **IV.Интернет сайтлар**

49. <http://edu.uz> –Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
50. <http://lex.uz> –Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
51. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
52. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

53. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

54. <http://www.standart.uz>.

55. <http://www.nim.uz>.

56. <http://www.iso.com>

57. <http://www.smsiti.uz>

58. <http://www.rssm.uz>

59. [www.easc.org.by](http://www.easc.org.by)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiриши ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент давлат техника университети  
Ректор \_\_\_\_\_ С.М.Турабджанов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент давлат техника университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
oshiриш тармоқ маркази  
Директор \_\_\_\_\_ К.К.Қуролов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

